


1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 октябрь, чоршанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 195 (943)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АНДИЖОНГА КЕЛДИ

4 октябрь. (ЎзА) махсус мухбирлари Ф. Мирзо, К. Низом хабар қилади. Бугун республика Президенти Ислам Каримов Андижонга келди. Ислам Каримов Асака шаҳридаги "ЎзДЭУ" Ўзбекистон — Курья Республика қўшма автомобиль корхонаси қўриланиши бориши билан танишди. Муҳандис ва ишчилар билан мулоқотда бўлди.

Бўз тумани Улуғбек номидаги жамоа ҳўжалиги, Комсомолбод туманидаги "Улуғбек" ширкатлар уюшмаси даладорини кўздан кечирди. Пахтакор ва галлакорлар билан суҳбатлашди. Суҳбатда юртбошимиз пахта билан бир қаторда галла етиштиришга алоқанда эътибор бериш лозимлигини, бу

иқтисодий мустақилликка эришишда муҳим омили эканлигини таъкидлади.

Ислам Каримов Андижон шаҳридаги Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Богда бўлди. Бобур даҳмасини зиёрат қилди, шонининг музейи билан танишди.

Кечқурун вилоят ҳокимлиги биносига фаоллар йиғилиши бўлди. Унда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Президентнинг Андижон вилояти бўйлаб сафарига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидов ҳамроҳлик қилдилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Илгари ҳар қилганимиздек. 2 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ўтган мазкур йиғилишда Тошкент шаҳар йўловчилар ташқи транспортнинг қондириш иш муҳокамаси этили. Унда республика вазирлари, автобус ва таксопаркларнинг раҳбарлари иштирок эти.

Йиғилишда Тошкент шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга автотранспорт хизмати кўрсатишдаги камчилик ва нуқсонлар каттиқ танқид қилинди.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда йўл қўйган камчиликларни учун "Тошшаҳар-Йўловчилар" уюшмаси бош Ҳандиси К. Ёлдошев, 3-автобус парки бош муҳандиси К. Ёлдошев, 5-автобус парки раҳбари М. Мухаммаджонов, 7-автобус парки директори Х. Азимов, 2-автокомбинат директори С. Азамов, тажриба ишлаб-чиқариш автокорхонаси директори Ф. Мамажонов эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди.

"Тошшаҳар-Йўловчилар" давлат уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ж. Тошқужаев ва "Тошшаҳар-Йўловчилар" бирлашмаси бошқари Н. Шарофова каттиқ хайфсиз эътибор қилиш, қисқа муддатда ўзларига юклатилган вазифада ўзгариш рўй бермаса, лавозимларида қолиш-қолмасликлари масаласи қўриб

чиқилиши таъкидланди.

Йиғилишда "Тошшаҳар-Йўловчилар" давлат уюшмасига автобус ва микроавтобус хайдовчиларини аттестациядан ўтказиш, хайдовчиларнинг малакасини ошириш, муқоабил хизматга қабирилувчилар хисобидан хайдовчилар сафини тўлдирини ва қисқа муддатда йиғилишларда автобусларнинг мунтазам ишлаши юзасидан тартиб ўрнатиш, йўл-молия интизомини бузувчи хайдовчиларга қаттиқ чоралар қўриб, тегишли ҳужжатларни тергов органларига топириш тавсия этилди.

Республика вазирлари ва идораларига, Тошкент шаҳар ҳокимлигига шаҳар автотранспортининг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида ёқилиш-молия маҳсулотларини узулуси етказиб бериш, баргери усулида эътиб қилиш ва бошқа зарур материаллар сотиб олиш учун маҳсулотлар ажратиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Прокуратурага автотранспортда йўл қўйлаётган камчиликлар устидан қатъий назорат ўрнатиш вазифаси топирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, К. Ҳаққулов, Ю. Пайгин, Тошкент шаҳар ҳокими К. Ўлганов катнашди.

(ЎзА).

БИЗНЕС- СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

4 октябрь кунини Тошкентда Саксония ўлкаси (ФРГ) ишбилармонлари вакиллари иш-тироқида енгил саноат ва тўқимачилик бўйича тармок бизнес-семинари бошланди. Унда мамлакатимиздаги енгил саноат ва тўқимачилик корхоналари раҳбарлари ҳамда шу соҳа мутахассислари қатнашмоқда.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин очди.

Унда "Ўзбекенгилсаноат" ассоциацияси бошқаруви раиси У. Исмоилов ва хорижий ишбилармонлар делегацияси бошчилиги, Германия умумий тўқимачилик агентлиги директори А. Круг маъруза қилди. Маърузачилар Ўзбекистон енгил саноат ва тўқимачиликни ривожлантиришда талай ютуқларга эришганини, аммо бу соҳани юксалтириш учун ҳали кўп имкониятлар мавжудлигини айтишди. Шунингдек, мамлакатимиз енгил саноати учун замонавий технологиялар жуда зарурлиги таъкидланди.

Маърузалардан сўнг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш юзасидан амалий музокалар бошланди.

Бизнес-семинар давом этмоқда.

(ЎзА).

"ЎЗТАЙЁРЛОВСАВДО" УЮШМАСИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда Ўзбекистон Республика савдо-ҳарид уюшмаси — "Ўзтайёрловсавдо"нинг таъсис қурултойи бўлди. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан "Ўзқооптайёрловсавдо" бирлашмаси негизда ташкил этилган эди. Янги ташкилот мулкчилик шаклидан ва қайси идорага бўйсунган бўлишидан қатъий назар, ҳудудий савдо-ҳарид уюшмаларида иборат бўлади. "Ўзтайёрловсавдо" қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини харид

қилиш, уларни сақлаш ва қайта ишлашдан тортиб, ресурсларнинг жойини аниқлаш ва маҳсулотни сотишга қараб бўлган ишларни бажариши лозим.

Қурултойда уюшма низоми тасдиқланди ва раҳбарлар сайланди.

Уюшманинг таъсис қурултойида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов сўзга чиқиди.

(ЎзА).

МАЪРУЗАЛАР, МУҲОКАМАЛАР, ХУЛОСАЛАР...

4 октябрь кунини Жаҳон савҳетлик ташкилотининг "Буюк ипак йўли" халқаро анжумани ўз йиғилишини давом эттирди. Уни ташкилотнинг Европа бўйича вакили В. Жусте бошқарди. Дастурга қўра Хитой, Қирғизистон, Эрон, Греция ва Қозоғистон вакиллари ўз мамлакатларида савҳетликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилдилар.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев, маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, Ташқи ишлар вазирлиги ходими О. Йўлдошев мамлакатимизда савҳетликни ривожлантириш, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги қадимий обидаларни таъмирлаш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, жаҳон талабларига жавоб берадиган меҳмонхоналар сонини қўнайитириш, мутахассислар тайёрлаш ва хорижий сайёҳлар учун яратилаётган қулайликлар ҳақида гапирдилар. Ўзбекистон ва Покистон ҳаво йўллари вакиллари хорижий мамлакатлар билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик муносабатларини, янги ташкил этилган йўналишлар ҳақида ахборот бердилар.

В. Жусте йиғилишнинг Тошкентдаги босқичини аяқлаб, уни ўтказишга розилик билдирган ва катта тайергарлик ҳамда ташкилотчилик ишларини амалга оширган Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик изҳор этди. Қўрсатилган иззат-иқром ва эътибор қўйлаб мамлакатларга намуна бўлажagini таъкидлади.

"Буюк ипак йўли" халқаро йиғилишининг аяқуловчи босқичи 5-6 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ МУДДАТЛИ ҲАРБҲИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Ватанни химоя қилиш ишининг нуфузини ошириш, муддатли Ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилаш, Ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоя қилиш, шунингдек, Ҳарбий бурчини виждонан бажаришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР** қилади:

1. 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб муддатли Ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Ҳарбий ва махсус ўқув юртилари курсантларининг ҳар ойлик пул таъминоти ўртача уч баравар оширилсин.

2. Ҳарбий хизматчиларнинг муддатли хизматни ўташ вақти хизматнинг бир ойини икки иш ойига ҳисоблаган ҳолда уларнинг меҳнат стажига ҳамда мутахассислик бўйича иш стажига

қўшилсин.

3. Республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига қабул қилишда муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳамда Ҳарбий қисмларнинг тавсияномаларига эга бўлган абитуриентларга имтиёзли шароитлар берилиб, тест синовлари чоғида улар тўплаган балларга имконий 6 ланг энг юқори миқдорга нисбатан 10 фоиз қўшилсин.

4. Муदдатли Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари улар муддатли Ҳарбий хизматни ўтаётган даврда ер солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ "МУДДАТЛИ ҲАРБҲИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгани муносабати билан Қуролли Кучларимиз ташкил этилган эди. Қуролли Кучларимиз ҳозир оёққа туриш ва қамолат даврини бошдан кечирмоқда.

Халққа ҳалол ва виждонан хизмат қилиш билан давлатимизнинг ҳудудий аҳлидиги ҳамда мустақил Ўзбекистон халқининг тиғх меҳнати химоясида турган армиямизнинг жанговарлигини ошираётган ватанимизнинг солиқ фарзандлари Қуролли Кучлар сафини тўлдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентига ва ҳукумати Ҳарбий соҳани мустақамлашнинг барча масалаларини диққат марказида тутиб турибди ҳамда юрт химояси ишининг нуфузини ошириш, муддатли Ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун шароитни яхшилаш, Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, шунингдек, уларнинг ўз ҳарбий бурчларини виждонан бажаришни рағбатлантириш юзасидан тинмай гамҳўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муддатли Ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қарори бу гамҳўрликнинг эркин мисолидир.

Қарорда шу йил 1 октябридан бошлаб Ҳарбий хизматчилар ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати махсус ўқув юртиларининг талабалари учун ойлик таъминот уч баравар қўнайитирилади, яъни, мисол учун, оддий аскар илгари ойига 30 сўм олган бўлса, 1 октябрдан бошлаб унинг ойлик таъминоти қарийб республикадаги ўрнатилган энг кам иш ҳақи даражасига қўтарилади.

Шуни қайд этиш муҳимки, илгари истеъфога чиққан Ҳарбий хизматчиларнинг Ҳарбий хизматда бўлган вақти унинг иш стажига бирга бир даражасида белгиланар, яъни у ариятда 1.5 йил хизмат қилган бўлса, унинг умумий меҳнат стажини ҳисоблаганда бу рақам ўзгармай қолар эди. Энди эса мазкур қарорга биноан, 1994 йил кузги қақирувдан бошлаб муддатли Ҳарбий хизматчиларнинг меҳнат стажига ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, шунингдек, уларнинг ўз ҳарбий бурчларини виждонан бажаришни рағбатлантириш юзасидан тинмай гамҳўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муддатли Ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қарори бу гамҳўрликнинг эркин мисолидир.

Мамлакат фуқароси бир арим йиллик умрини ватанга беминнат хизмат қилишга, ўзининг Ҳарбий бурчини виждонан адо этишга бағишлаган экан, у бунинг муқофотини ҳам олиши керак. Шунинг учун ҳам давлат ўзининг ватанпарвар химоячиларига нисбатан ана шундай гамҳўрлик қилмоқда.

Шуниси ҳам муҳимки, мазкур қарорга биноан муддатли Ҳарбий хизматчиларнинг оиласи шахсий ҳўжалик юритишга ажратилган ер, турар жой қурилиши ва унга хизмат кўрсатиш, шунингдек, ем-ҳашак ўриш ва мол боқиш учун олинган солиқдан озод қилинади.

Республикамиз шароитида бу имтиёзларнинг аҳамияти мислсиздир. Чунки бу имтиёзлар шарофли юрт химоячиларини тарбиялаб етиштирган минглаб онларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлайди.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига белгиланган барча чора-тадбирлар юртин химоя қилиш ишининг нуфузини оширишга, муддатли Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат шароитини яхшилашга, Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга, шунингдек Ҳарбий бурчини виждонан адо этишни рағбатлантиришга қаратилгандир.

Мамлакат фуқароси бир арим йиллик умрини ватанга беминнат хизмат қилишга, ўзининг Ҳарбий бурчини виждонан адо этишга бағишлаган экан, у бунинг муқофотини ҳам олиши керак. Шунинг учун ҳам давлат ўзининг ватанпарвар химоячиларига нисбатан ана шундай гамҳўрлик қилмоқда.

Шуниси ҳам муҳимки, мазкур қарорга биноан муддатли Ҳарбий хизматчиларнинг оиласи шахсий ҳўжалик юритишга ажратилган ер, турар жой қурилиши ва унга хизмат кўрсатиш, шунингдек, ем-ҳашак ўриш ва мол боқиш учун олинган солиқдан озод қилинади.

Республикамиз шароитида бу имтиёзларнинг аҳамияти мислсиздир. Чунки бу имтиёзлар шарофли юрт химоячиларини тарбиялаб етиштирган минглаб онларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлайди.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига белгиланган барча чора-тадбирлар юртин химоя қилиш ишининг нуфузини оширишга, муддатли Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат шароитини яхшилашга, Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга, шунингдек Ҳарбий бурчини виждонан адо этишни рағбатлантиришга қаратилгандир.

Бу — гуманитар олий ўқув юртига қирадиган Ҳарбий хизматчилар йиққан балла 30,2 балл, иқтисодий олий ўқув юртига қирадиганларнинг балли 34,4 балл, ҳўқуқшунослик олий ўқув юртига қирадиганларга 30,0 балл, тиббиёт олий ўқув юртига қирадиганларга 32,4 балл, қишлоқ ҳўжалик олий ўқув юртига қирадиганларга 37,2 балл қўшилсин эди, демакдир.

Бу — жуда сезиларли ҳамда адолатли имтиёз экани шундоқкина қўрииб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сузи" ва ЎзА мухбирлари
хабар қиладилар

ЖАҲОН БОЗОРИ ТАЛАБИГА МОС

"Навойист" ҳиссалорлик жамияти қошида "Навойикозеин" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилди.

Қўшма корхона очилиши вилоят иқтисодий ҳаётида катта воқеадир. Унинг маҳсулоти самолётсозлик ва мебелсозликда муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур қўшма корхона маҳсулоти жаҳон бозори талабига тўла мос келади. 680-700 тонна қозон ишлаб чиқариш қувватига эга.

МАҲСУЛОТИНИ ЎЗИ СОТАДИ

"Фарҳод" фирмаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турини қўнайитириди. Ҳозир бу ерда кийим-кечак, гилам, тўқув, зардушлик, макрон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ишчилар сонини ҳам 80 нафардан ошди. Қарши туманида бу маҳсулотларга эҳтиёж катта бўлгани боис фирма ўз дўконини очди.

ЮЗ ФОИЗ ҲОСИЛ — БИРИНЧИ НАВГА

Асака туманидаги "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалиги вилоятда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди.

Давлат қабул пунктларига 850 тонна сифатли саноат ҳомашёси етказиб берилди. 296 гектар ерга "Фарғона-3" навли пахта уруғини эккан ҳўжалик миришкорлари ҳосилнинг ҳаммасини биринчи навга топширдилар. Ҳақимжон Қосимов, Исмоил Мирқомиллов, Маъруфжон Бозоровлар бошлиқ бригада аъзолари давлатда пахта ёғиш мажбуриятини ҳам уудладди.

ОЛТМИШИНЧИ МАВСУМ

Маннон Уйгур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ўзининг 60-мавсумини "Адиб Собир Термизий" спектаклини намоиш этиш билан бошлади.

Шоир Низомжон Парда қаламига мансуб ушбу спектакл Шарқ алломаларидан бири, шоир ва давлат арбоби Собир Термизий ҳаёти ва ижодига бағишланган.

ЯНГИ ИЛМ МАСКАНЛАРИ

Бўз туманидаги Навоий ҳанда Улуғбек номидаги ҳўжаликлар ҳудудида иккита ҳар бири 420 ўрнили янги мактаб фойдаланишга топширилди. Мактабларнинг бирига ҳўжаликдаги янги қишлоқда турниб ўсган шоир ва журналист Мирзакарим Пирматов номи берилди. Иккинчи мактаб эса шу жойда катта бўлган байналмилал жангчи Сулаймон Жўраев номи билан атала бошлади.

СУРАТДА: янги мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Э. Норбоева дарс пайтида.

ИЖОДКОР ЕШЛАРГА УЙ

БЕРИЛДИ

Республикамиз Президенти И. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ижодкор ешларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги фармони бўйича ҳоразмлик ўттиз нафар ижодкор еш турар-жойини бўлди.

Шаҳарнинг энг гавжум ва кўркам манзилидаги тўққиз қаватли иморатни ўрсанч уйсозлик комбинати қурувчилар бунёд этишди.

Вилоят ҳокими М. Жуманиезов уй соҳибларига ҳонадон қалитларини тантанали топширди.



УЗУМ УЗИШ ҚИЗҒИН

Музробод туманидаги Ашиер Навоий номидаги ҳўжалик Ҳисор тоғи бағрида, жойлашган бўлиб боғдорчиликка ихтисослашган. Боғбонлар 500 гектар майдондаги токни парваришласапти. Бу йил 100 гектардан ортиқроқ ердаги ток қозисига кирди. Миришкорлар жорий йилда 500 тоннадан ошмиқ узум етиштиришмоқчи. Айни чоғда узумни териш қизғин.

СУРАТЛАРДА: Роҳатой Жўраева ва Ҳайитгул Турсунова узум теримида; Ҳўжалик раиси, мовуни Чоршанба Норминов ва боғбон Жаббор Чориев.

И. ХўҲАЕВ (ЎзА) суратлари.



ЯНГИЛИКЛАР
ФАКТАЛАР
ВОКЕЛАЛАР
ЯНГИЛИКЛАР
ФАКТАЛАР
ВОКЕЛАЛАР
ЯНГИЛИКЛАР
ФАКТАЛАР
ВОКЕЛАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

I боб. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органidir.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ўз ваколатига берилган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси бир палатали органidir.

Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялик асосда сайланган 250 нафар депутатдан иборат.

Олий Мажлис фаолиятининг доимий ва самарали бўлиши унинг сессиялари, Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари ҳамда депутатларнинг иши билан таъминланади.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов

Олий Мажлис сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва унга мувофиқ чиқариладиган республиканинг бошқа қонунлари билан белгиланади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати — беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Олий Мажлис янги чакриқ Олий Мажлис иш бошлалганга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари жумласига:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Қонуналарини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикасини ички ва ташқи сиеатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органлари тизимини ва ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ белгилаш;

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида ва маҳаллий вакиллик органларида сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов қунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимлардан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий еки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини тасдиқлаш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш;

24) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш қиради.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати

Олий Мажлис депутати ўз сайловчиларининг, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган тегишли сиесий партия еки тегишли ҳокимият вакиллик органининг вакили ҳисобланади.

Депутат ўз бурчларини ижро этишда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонун ҳужжатларига амал қилади.

Олий Мажлис депутатининг ваколат муддати беш йил.

Олий Мажлис депутатининг ваколатлари: у ваколатини зиммасидан соқит қилиш;

қонунга кўра депутатлик ваколатини бажаришга номзудлиқ бўлган лавозимга сайланган еки тайинланган;

унга нисбатан суднинг айблов ҳўкми қонунчи кучга кирган;

суд уни муомалалга лаёқатсиз деб топан;

қақириб олинган;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган;

вафот этган тақдирда муддатидан илгари тўхтатилади.

Олий Мажлис депутатининг ваколатлари қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан илгари тўхтатилиши мўкин.

Олий Мажлис депутатининг ҳўқуқлари, бурчлари ва фаолиятининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Олий Мажлис депутатларига белгиланган тартибда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланади. Олий Мажлисида доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мўкин эмас.

Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳўқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлис сессиялар оралиғидаги даврда эса — Олий Мажлис Кенгашининг (навбатдаги сессияда буни депутатлар эътиборига етказиш шарти билан) розилисиз жиний жавобгарликка тортилиш, ҳибсга олиниши еки суд томонидан берилдиган маъмурий жазога тортилиши мўкин эмас.

II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛИ

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишининг ташкилий шакли сессия ҳисобланади.

Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларида очилади ва ёпилади.

Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларида, шунингдек Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказилдиган мажлислардан иборат бўлади.

Олий Мажлис сессиялари бир йилда камда икки марта қақирилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислари

Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай қақирилади.

Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси томонидан очилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси сайланганга қадар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлиси унинг ишида жами депутатларини камда учдан икки қисми иштирок этган тақдирдаги ваколатли ҳисобланади.

Қонунлар ва Олий Мажлисининг бошқа қарорлари фақатгина мажлисларда қабул қилинади.

Олий Мажлис ва унинг органлари

мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мўкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси Олий Мажлисининг Раиси томонидан унинг ташаббуси билан еки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашининг ехуд Олий Мажлис депутатлари камда учдан бир қисмининг таклифи билан қақирилади.

III боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҲУҲЖАТЛАРИ (АКТЛАРИ)

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳўжжатлар қабул қилиниши

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, конституциявий қонунлари, қонунлари, қарорлар ва бошқа ҳўжжатларини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Конституцияни ўзгартирувчи ва тўлдирувчи қонунлар, шунингдек бошқа конституциявий қонунлар Олий Мажлис жами депутатларининг камда учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мўкин. Агар Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Конституцияга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифини рад этса, таклиф камда бир йил ўтгандан кейин қайта киритилиши мўкин.

Қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳўжжатлар Олий Мажлис жами депутатларининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳўжжатларини эълон қилиш ҳамда уларнинг кучга қириши

Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва Олий Мажлисининг бошқа норматив ҳўжжатларини эълон қилиш уларни қўлланишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлисининг бошқа норматив ҳўжжатлари улар имзолангандан кейин эълон қилинади ҳамда агар ҳўжжатларнинг ўзида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, улар эълон қилингандан кейин ўн кун ўтгач кучга қиради.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳўжжатларининг ижросини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бошқа ҳўжжатларининг ижросини назорат қилади.

IV боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING РАИСИ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Олий Мажлисининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳудудий депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан депутатлар орасидан аширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис ваколатли муддатига сайланади.

Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсин сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мўкин эмас.

Олий Мажлисининг Раиси депутатларнинг учдан икки қисмидан кўпроги аширин овоз бериши орқали қабул қилинган Олий Мажлис қарорига биноан муддатидан илгари қақириб олиниши мўкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

1) Олий Мажлис муҳокамасига қўйилдиган масалаларни тайерлашга умумий раҳбарлик қилади;

2) Олий Мажлис сессияларини қақиради, сессиянинг кун тартибига доир таклифларни кўмиталар ва комиссияларнинг раислари билан биргаликда белгиланган тартибга (Олий Мажлис Иш тартибига) мувофиқ тайерлайди;

3) Олий Мажлис ва унинг Кенгаши мажлисларида раислик қилади;

4) Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

5) қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

6) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

7) Олий Мажлис Кенгаши билан келишган ҳолда Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисида номзодларни тақдим этади;

8) кўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис Кенгаши билан келишган ҳолда кўмиталар ва комиссияларнинг раис ўринбосарлари ҳамда котибларини тайинлайди;

9) кўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига биноан кўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлисининг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликини амалга оширади;

11) Олий Мажлис матбуот органлари низоомларини ва тақрир хайатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлари учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

12) Олий Мажлисига қарашли матбуот органлари муҳаррирларини Олий Мажлис Кенгаши билан келишгандан ҳолда тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

13) Олий Мажлис депутатлари ва левонининг ишлари учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

14) Олий Мажлис ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди.

Олий Мажлис Раиси ўз ваколатига қирадиган масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари

Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари Олий Мажлис депутатлари орасидан аширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис ваколатли муддатига сайланади.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили — Олий Мажлис депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари Раиснинг тошпиринга биноан унинг айрим вазифаларини бажаришда ва у йўқлиғида еки унинг ўз вазифаларини амалга ошириши мўкин бўлмаган ҳолларда Раиснинг вазифасини бажариб туради.

V боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши.

Олий Мажлис ишини ташкил этиш ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ваколатлари амалга ошириш учун биринчи сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши тузилади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг таркиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг таркибига Олий Мажлис Раиси, Раиснинг ўринбосарлари, кўмиталарнинг, Мандат комиссиясининг раислари ва Олий Мажлис расмий фракцияларининг вакиллари қиради.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши:

1) Олий Мажлис сессияси кун тартибига ва иш тартибига доир таклифларни тайерлайди;

2) Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги маълумотларини ҳамда қонунлар ва Олий Мажлисининг бошқа қарорлари ижроси тўғрисидаги ахборотларни эшитади;

3) қонун лойиҳаларини тайерлаш ишини режалаштиришни уюштиради;

4) Олий Мажлис Раисининг таклифига биноан қонун лойиҳаларини ва бошқа ҳўжжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқади;

5) Олий Мажлис сессиясига депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни тахлил этади ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади;

6) сессиялар оралиғидаги даврда қонун ҳўжжатларига белгиланган ҳолларда ва тартибда Олий Мажлис депутатларини жавобгарликка тортишга, шунингдек иш жойидаги маъмурият ташаббусига кўра депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш тўғрисидаги масалаларни қараб чиқади;

7) Олий Мажлис иши ва депутатлар ўз ваколатларини самарали амалга оширишлари билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб

чиқади.

Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, улар белгиланган тартибда эълон қилинади.

VI боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING КЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИ

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссияларининг таркиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияда депутатлар орасидан ўз ваколати муддатига ҳудудий депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан кўмиталар ва комиссиялар сайлайди ва уларнинг раисларини тасдиқлайди. Кўмиталар ва комиссиялар қонун лойиҳалари тайерлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлис муҳокамасига киритилдиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайерлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиш тўғрисида қўмиталар ва комиссияларнинг рўйхати ва микдор таркиби Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Олий Мажлис депутати, қоида тариқасида, Олий Мажлисининг фақат битта кўмитаси еки комиссиясининг аъзоси этиб сайланиши мўкин.

Кўмита еки комиссия таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланмишлари мўкин эмас.

Кўмита, комиссия таркибига сайланмаган депутат улар ишида маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

Кўмиталар ва комиссияларнинг барча аъзолари тенг ҳўқуқлардан фойдаланадилар.

Зарурат бўлган ҳолларда Олий Мажлис янги кўмиталар ва комиссиялар тузиши ва сайлаши, иллари тузилган кўмиталар ва комиссияларни тугатиши ва қайта ташкил этилиши мўкин.

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари Олий Мажлис олдида масъул ва унга ҳисобдордилар.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўмиталари ва комиссияларининг таркиби.

Кўмиталар ва комиссиялар Олий Мажлис томонидан раис ва бошқа аъзолардан иборат таркибда сайланади. Кўмита, комиссиянинг раис ўринбосари ва котиби кўмита, комиссия аъзолари орасидан Олий Мажлис Раиси томонидан Олий Мажлис Кенгаши билан келишгандан ҳолда тайинланади.

Кўмита, комиссияларнинг (муваққатлардан ташқари) раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари ўз фаолиятларини, қоида тариқасида, доимий асосда амалга оширадилар.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муваққат комиссиялари.

Олий Мажлис ва унинг Кенгаши аниқ тошпирларини бажариш учун депутатлар орасидан муваққат комиссиялар тузиши мўкин. Муваққат, комиссиялар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариб бўлгандан кейин ехуд Олий Мажлис еки унинг Кенгаши қарорига биноан ўз фаолиятларини муддатидан иллари тўхтатадилар.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўмиталари ва комиссияларининг ишини ташкил этиш.

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари ишини ўз режаларига, Олий Мажлис, унинг Раиси ва Олий Мажлис Кенгаши тошпирларига ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этадилар.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўмиталари ва комиссияларининг мажлислари.

• Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан

«АМИР ТЕМУР» ТАРИХИДАН

Темур ва темурийлар даврига бағишланган жанбаслар ичида таниқли араб-тарихчи Ибн Арабшоҳнинг (1389—1450) "Ажонб алмакдур фи тарихи Таймур" ("Темур тарихида тақдир аз-забиботлари", у қисқача "Амир Темур тарихи" деб аталади) номи 1436—1437 йилларда ёзилган асар алоҳида аҳамиятга эгадир. Муҳим жанб сифатида Ибн Арабшоҳ асарни француз, лотин, инглиз тилларига ҳам таржима қилган. Асар муаллифининг бир неча йил (1401—1408) Самарқандда яшаганлиги тўғрисида кўпгина маълумотлар муаллифининг шахсий мушоабаларига асосланган. Асарда Соҳибқирин Амир Темур ҳақида кўп ва хилма-хил маълумотлар келтирилиши билан бир қаторда темурийлар, жумладан Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек ҳақида ҳам баъзи фактик маълумотлари учратилади. Маълумки, 1404 йилнинг кўзда Самарқанд яқинида жойлашган Кониглида соҳибқириннинг етти йиллик ўршдан зафар билан қайтиши ҳақида унинг олтинта (шулар жумласидан, ўн яшар набираси Улуғбек ҳам)

невера-чевараларининг никоҳ тўйига бағишланиб катта тантаналар ўтказилади. Шубҳасиз, шу вақтда Самарқандда бўлган Ибн Арабшоҳ ушбу тантаналарда шахсан иштирок этади. Шу босдан ҳам муаллиф Кониглидаги шодоналарнинг шоди сифатида у ҳақда батафсил маълумотлар келтиради.

Муаллиф келтирган жонли ва мароқли ҳикоялардан ўша даврдаги тўй жаросимлар пайтидаги тартиботлар, айниқса, ушбу жаросимларда кенг қўлдандал халқ оғамасининг иштирок этиши, ҳар бир аҳли ҳунар ва санъаткор бу маҳорати-ю, санъатини беамола намойиш қилишдан бу хиддаги жаросимлар ўша давр ҳунармандчилиги ва санъати эришган ютуқларининг ўзига хос бир кўрғи бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Ушбу тантаналарда Амир Темур саройида бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ҳам иштирок этганлиги, зивфат чоғида аёлларнинг ҳам (эркаклардан бекиммасдан) ушбу тантаналарда фаол қатнашганликлари ҳам ўша даврдаги урф-одатлар, дипломатик алоқаларни аниқлашда муайян роль



Темурнинг зиярат набираси" деб аниқланган никоҳ тўйи маъноси билан уюштирилди, деб ёзиб ёш Улуғбекнинг буюклигини алоҳида таъкидлайди.

Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлари ўша даврга мансуб форсийзабон жанбаслар билан ҳар томонлама қиссий ўрганиш буюк мунажжид ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фалсафати ҳақида тўлиқ тасаввур олишга ердан бериш шубҳасиздир.

Мирзо Улуғбекнинг никоҳ тўйига бағишланган тантаналар хусусида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлардан бир лавҳани ҳуржамли ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қиламиз.

Убайдулла УБАТОВ,
филология фанлари номзоди.

• Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

БУ БОҒЛАРНИНГ ТОМИРИ...

Бутун умри бўйи эл-юрт ташвиши ва халқ дарди, ўй-ғами билан яшган инсонларнинг порлоқ хотиралари қалбларда абадий сакланиб қолади. Уларнинг серқирра ва сермазмун ҳаётлари, турмуш-уштурушлари қўлларга ибрат бўлади. Дўстбой Бегимов ҳам ана шундай элпарвар, саховатли, меҳри дарё кишилардан бири эди.

Республика миқёсидаги шахсий пенсионер Дўстбой бобо тўғрисида мақола ёзиш истаги менда анча илтироқ. — Ўғли Аҳмадали билан келини Башорат Ҳамроевалар Жазоир республикасида ўз байналмилал бурчларини ўтаб қайтганлардан кейин тугилган эди. 3 йил мобайнида чет эллик ҳамкасбларига ердан берган эр-хотин шифокорларни оиладагилар шоду-хурамлиқ билан қўлиб олдилар. Ўша пайтдаги бобонинг чексиз қувончи, севинч ешлари, соғинчдан хориған юзлари ҳеч қўн ўнгинида қетмайди.

Бегимов 1925 йилда Термиз туманида дунёга келди. Унинг ешлги, болалиги, жуда кичкин кечди. Ҳали эсини танимасдан бурун отадан етим қолди. Онаси, ука-сингилларини боқиб, кун кегириш мақсадида Ўзун туманига кўчиб кетди. Ва ўрмон хўжалигида ўрмончи бўлиб ишлай бошлади.

Бу орада II жаҳон уруши бошланиб қолди. Кўпгина кўнгилилар катори эндигина 19 баҳорини қаршилаган Дўстбой ҳам жангга отланди.

Семипалатинск шаҳридан жунаган харбий поезд Германия ўрмонларидан бири яқинидаги станцияда тўхтади. Одий аскар Дўстбой Бегимов хизмат қилган минометчилар батальони поезддан тушиб, ўрмон ичида муҳим операцияга ҳозирлик қўрди. Уларнинг асосий вазифаси тўрт қаватли уй ичига пистирма қўриб олган

ўрмон хўжалигида ҳаммасини бошидан бошлади. Аввалига ўзига икки хонали бошпана солди. Ўйга онаси, укаси-сингилларини қўчириб келди. Кунни-тунга, тунни-кунга улаб меҳнат қилди. "Бирни кессанг, ўйни эки" нақлига амак қилиб, ўрмонзордаги барча эски ва сувсизликдан қараб етган дарахтарларни янги қўчатлар билан алмаштирди. Қасбдошлари билан ўртокларча муносабатда бўлди, ҳалол ишлашни ўзининг виждоний бурчи деб билди. Кам бўлмади. Бу орада Тошкент кишлоқ хўжалиги техникумида ўқиди. Ҳам назарий, ҳам амалий ўқиммага таъини боғларни пайванд қилиш, уларни ўстиришнинг янги усулларини ишлаб чиқди.

Бегимовнинг қарийб 30 йиллик меҳнати зо кетмади. Қорасув кишлоғида ҳозирги қунаримизда бутун бўй-баста билан тароватю қўрқини қўзғиб қилиб турган катта ва соя-сўз киши ўрмон бунёд қилди. Шу давр ичида бу ерда етиштирилган мева-яшиллар дастурхонини беади ва беамоқда. Унда ўстирилаган қўчатлар эса янги боғларга умр бағишломқда.

Дўстбой бобо Бегимов бир қанча тақдирномаларга сазовор бўлди. Одамлар дарди, ўй-ташвиши билан яшади. Айни кунда Қорасув кишлоғидаги қўчалардан бири, Айний номи мактаб дўнжисини Дўстбой Бегимов номи билан қўрилади.

Ҳа, бизнинг элпарвар юртимизда ҳеч ким ва ҳеч нараса унутилмайд.

Лазиз ТАҒИЕВ,
Эркин ИМОМАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти, Ангор тумани.

СОҲИБКОРЛАР
САХОВАТИ

БУВАЙДА туманида "Ўзумзор" жамоа хўжалиги меҳнатқиллари қўриқ чўл шариоитда ўзумчилик ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш борасида астойдил меҳнат қилиб, улкан зафарга эришди. Мавжуд 395 гектар ўзумзорнинг ҳар гектаридан 45,5 центнердан сархил ўзум етиштирилди.

Давлатга 1 минг 800 тонна сифатли маҳсулот топширилди, шартномадаги режа ортиги билан адо этилди. Хўжалик ғалабасига 4, 11, 12-бригада аъзолари ўз режаларини 105-118 фоизга бажариб, муносиб улуш қўшдилар.

Хўжаликда ваъдага вафо қилишган бўлса-да, ҳосил тодириш давом этмоқда. Соҳибкорлар режани 600 тоннага ошириб бажариш учун ҳаракат қилишмоқчи.

З. ШАРИПОВ.


ДАРОМАД
ҲАВОНЛИККА
САРФЛАНАДИ

Бухоролик заршуносларнинг зафарига бугун кўнчилик қўниб қолди. Республикада "оқ олтин" қарнига сарбонлик қилишни таъминлаган омилар энди ўрганишга арабас, амак эмас.

Ҳап муваффақиятлар ҳақида кетар экан, аввало умри пахта далаларига соғинаган меҳнатқилларнинг фидойилигини эътифдор этиш лозим. Ҳамма жойда бўлган каби Ғиждувон туманининг "Пахтабод" жамоа хўжалигида ҳам ишга яроқли ҳар бир фуқаро ўзини пахтакор деб ҳисобламақда. Кечқўнди, Айримо, Амробо, Қўмбодан каби 11 та аҳоли пунктида истикомат қилувчи 12 мингга яқин аҳоли эндиликда пахта ҳавоси билан нафас олмақда. Гарчи хўжалик умумий рўйхатда 700 нафар киши қанд қилинган бўлса-да, айни кунларда пахта тарафларининг ўзи ҳар кун бир ярм минг нафардан ошиб кетаяпти.

Хўжаликнинг далаларида табиий иқлимдан келиб чиқиб пахта ундирш ҳап осон эмас. Одий маълумот: мавсумда ғўзаларни 15 мартагача суғориш талаб қилишнинг кў олдинги ҳап келтирсак, бир мисқол момик етиштириш учун деҳқон қанчалар тер тўкишига амин бўламиз. Яна ҳар сўвдан кейинги култивация, ўғитлаш, ариқ ва рошларни тўғрилаш каби агротехник тадбирлар қанчалик қўн-ғайрат талаб қилиш ҳар бир ўзбекка аён. Бутун мезон офтобда товланиб, далаларда давом этаётган меҳнат жабҳасига гуваҳ бўлганча завқланиш бошқа, бир эъти пахта териб ва унинг захматини ҳар дақиқда ҳис қилиб, хирмонга тўкиш бошқа. Пахтабодликлар эса барча ташвишларини енгиб, муттасил зафар қўниб келишмоқчи. Ўтган йили режа 119 фоизга удалаган эди. Бу йил ҳам уларнинг шахди банд. Гарчи терим энди авж паллага киратган кун режанинг 4,65 фоиз миқдориди ҳосил тайёрланган. Шунинг ҳам борки, қарийб 100 тоннага яқин "оқ олтин" қўлда терилган эди. Муроб Қўдошев етакчилиги қилган бригаданинг Гулсара Баҳромова, Мавлуда Халилова, Шохсанам Ҳамроева, Нусха Жаҳморова, Шаҳноза Халилова каби дала фидойилари ҳар кун 200—250 килограммгача пахта тарафларини алоҳида факр билан таъкидлаб ўтишди. Далага зеб бериб, ўн ҳам ғўзалашиб бораётган бундай қиллар эса пахтазорда сон минг.

Албатта, юқори ҳосил ундиришнинг муҳим омилларидан бири ер ва иқлим шариоитига мос наф таъинлашдир. Пахтабодликлар "Бухоро-6" навиин ўзларига жуда қўлай эканлигини таъкидлашди. Суви ҳам буғлатадиган, шоналаб кетмайдиган, гармселда гул ташламаядиган бу навиинг ўрқоқларини ҳам осон кечмаган экан. Эндиликда пахтачиликка қўпроқ ғов бўлаётган наваларни илмий (аслида — ноилмий) лабораторияларда белгилаш тарафдорлар анча қаршилиш қилишган, муаллифларнинг таъкид



остига ҳам олшган экан. Фақат юқори раҳбарлик идораларининг қатъий тўғайлигига бу наводий бўлиб қолмади. Хўжалик қийин шариоитларда ҳар йили 30 центнердан ошириб ҳосил олмақда. Бу танланган урққа ҳам боғлиқлиги сир эмас.

Бир чет уфққа туташиб кетган далаларда бутун умрини ўтказган миллионлаб деҳқонларимиз борки, уларнинг ҳар йилиги ва доимий қаҳрамонлиги ютуқларини таъминловчи ана бир омилар. Хўжаликнинг 8-бригадасига етакчилик қилган Зокир ака Шонёзов бу йил 31 марта жамоа етакчиси сифатида далага чиқди. Зокир ака бутун умрини деҳқончиликка ва унинг асосий қисмининг бригада етакчилигига бағишлаганини ҳеч истеҳсосиз қайд қилмади. Аслида ўтган бу йилларнинг ҳар бир сониси қанчалаб ташвишлар ва қувончлар билан йўрилган. Зокир аканинг олти фарзанди бўлиб, тўғинчи қабил бригада етакчилигини қабул қилиб олган. Пахтакорлик отадан болага ўтадиган қасб сифатида ҳам мустақим жанбир ташкил қилмоқда, тажриба ва кўнмаларини умумлаштириб, халқ академияси тусини олиб бормоқда. З. Шонёзов бригадасида ҳам терим қизин. Пахтакорлар икмонияларини ҳосилини тўла йиғиштириб олишга сафарбар қилганлар. Уларнинг юқори лок тўлиб, пайдар-пай пунктка жуғайитилган. Далада оқланган, дам олиш ташкил қилинган.

Табиийки, уқулни меҳнат яратилган шариоитга ва рабатланганга кўн жихатдан боғлиқ. Ҳар беш кунликда ҳап тўрба борилаяпти. Ўтган сафар ўртача 120 сўвдан тарқатилган экан. Ўн янги теримчилар эса 250 сўмгача олишди.

Одамлар ҳар дон ғўзаланича ташна бўлиб яшайдиган. 50-йилларда қўрилган қолхоз идораси ўша даврнинг энг муҳташам биноси бўлган. Эндиликда шахсий қўл ҳам у билан бўлмаяпти. Бироқ чимчилик суви, газ масаласида муаммолар тўланиб қолган. Насиб эса, бу йилги даромаднинг асосий қисмининг ободончиликка сарфлаш мўлжалланган. Пахтакорликни турмуш илдан-илга фаровонлашиб боришга шубҳа йўқ.

Ҳ. САТТОВОР.
"Халқ сўзи" мухбири.

• Спорт

XII ОСИЕ ЎЙИНЛАРИ
ОЛОВИ ЁҚИЛДИ

XII Осие ўйинлари таниқли дирижер Сигизми Сагуни раҳбарлигида япон музика асосбларига ижро этилган 2 соатлик симфония садолари остида очилди. Сўнги кирк йил ичида биринчи марта Осие олимпиадаси мамлакат пойтахтида эмас, балки Хиросимада, яъни эндиликда тинчлик рамзи деб қўриқилган шаҳарда ўтказилаяпти.

Беш мингдан ортиқрок спортчилар XII Осие ўйинларида спортнинг 34 тури бўйича 337 медаллар шодан учун кураш олиб боришди. Бу сафарги Осие ўйинларида қитъанинг фақат Ироқ ҳамда Шимолӣ Корея мамлакатлари қатнашмапти.

Осие олимпиадасининг энг қучли, нуфузга эга бўлган жамоаси — хитойликларнинг Хиросима ўйинларида қатнашиши сўнги

лаҳзаларгача жумбоқли бўлди. Чунки Пекин расмий вакиллари XII Осие ўйинларининг очилиш таътаналарида қатнашаётган Тайван Бош вазири ўринбосари ва айни пайтда Миллий олимпиада қўмитаси расмисини қўришни истамаётганлигини билдириб, агар талаб қондирилмаса хитойликлар мусобақаларда бутунлай қатнашмаслигини маълум қилишди. Япон дипломатларининг саъй ҳаракатлари, ХОҚ президенти Х. Самаранчининг шахсий аралашуви билан муаммо бартаф қилинди ва очилиш таътаналари байрамона ўтди.

Шундай бўлишга қарамай хитойликлар аввалиг рекордини қайта тақорларлаш билан сафар жуда қийин (улар XI Осие ўйинларида 183 та олтин медалини қўлга киритишган эди).

Негаки, бу гал осиеликлар сафига 5 та Марказий Осие мамлакати келиб қўшилди. Улар орасида Қозғистон ва бизнинг республикамиз спортчилари қучли саналмоқда. XII Осие ўйинларининг 2 ва 3-ўринлари учун кураш Корея ҳамда Япония спортчилари ўртасида бориш қутлимоқда. Олдинги Осие ўйинларида қоронжликлар 54 та, японияликлар 38 та олтин медалини қўлга киритишган эди.

Хиросима Осие ўйинларининг очилиш таътаналарида император Акихито, шаҳзода Нарухито, японлар қабилни забт этган малика Масако иштирок этди. Қувайт шайх ҳамда Осие олимпиа қатнашчиларини президент Аҳмад Аль-Фаҳад Ас-Сабоҳ очилиш таътаналарида қатнашчиларни қутлаб, уларга муваффақият тилади.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ ВА... ҒАЛАБА!

Ҳа, Ўзбекистон миллий тарма жамоасининг Осие миқёсидаги биринчи ўйини бутун қитъа бўйлаб тарқалган шов-шувга саваб бўлди. Футболчиларимиз жаҳон чемпионатининг финал ўйинлари иштирокчиси Саудия Арабистони тарма жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Тўртинчи айтганда қитъанинг футбол мутахассисларини, рақиб — Саудия Арабистони тарма жамоаси ҳам, ҳатто бизнинг команда мураббийларини ҳам футболчиларимизнинг юқори даражали ўйин кўрсатиб, йирик ҳисобда ғалаба қозонишни қучишмаган эди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидада тарма жамоасини мағлубида ташаббусини ўз қўлларига олишди. Натижада бу тезда ўз мевасини берди. 30 метрлар чамаси узоқликда белгиланган жарима тўғини "Нефчи"нинг ярим жамоачиси Сергей Лебедев қўлжаммақ қилиб дарвозага йўллади. Биринчи тўп ўйинчиларимизнинг қайфиятини

қўтариб юборди. Улар гоҳ чап, гоҳ ўнг қанотдан тежор ҳужумлар уюштиришди. Ана шундай ҳужумларнинг бирсида рақиблар Азамат Абдурамоновни жарима майдони яқинида туртиб йиқитишди. Бу сафар жарима тўғини ўнг қанотдан, яъни Миржалол Қосимовнинг "нуқта"сида белгиланди. Миржалолнинг бундай вазиятларда жонли "девор" ошириб тўп киритиш қобилиятига ағалитини мухлисларимиз яқини билишди. Саудия Арабистони тарма жамоаси дарвозабони эса Ўзбекистон шундай қобилиятли ўйинчиларга эга эканлигини билмасди. Натижада тўп яна дарвоза тўғига бориб тушди — 2:0.

Ўтказиб юборилган иккинчи тўпдан сўнг Осие қитъасининг энг қучли жамоаси саналган Саудия Арабистони ўйинчилари бутунлай ўзларини йўқотиб қўйишди. Биринчи бўлим даъсида тўп деярли уларнинг жарима майдонидан узоқлашмади. Учинчи тўп ҳам "стандарт" ҳолатда,

яъни уйда тайерланадиган вазиятдан қиратилади. С. Лебедевнинг чап қанотдан узатган бурчак тўғини Игорь Шквирин боши билан осонгина дарвозага йўллади. Тўртинчи тўп эса биринчи бўлим охиридаги ўйин вазиятидан қиратилади. Бу сафар ҳам Игорь ўз маҳоратини намойиш қилди. Терма жамоамизда бундан ташқари ҳам дарвозани ишғол қилиш учун имкониятлар кўп бўлди. Икки марта Рустам Дўрмонов, бир марта Азамат Абдурамонов деярли 80 фоизлик имкониятдан фойдалана олмади.

Иккинчи бўлимда ўйин деярли тенг кураш остида ўтди. Саудия Арабистони тарма жамоаси ҳатто бироз устуликка эришди. Лекин бу устулик фақат бир марта дарвозани ишғол этини имконини берди. Улар учрашувнинг энг сўнги — 90-дақиқасида битта жавоб тўп киритишга муваффақ бўлишди.


Терма жамоамиз қолган учрашувларни "В" гуруҳи

вакиллари Таиланд, Малайзия ва Ғонконг тарма жамоалари билан ўтқонди. Гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоа кейинги босқичга йўлланма олади.

Умуман XII Осие ўйинларида футбол жамоалари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб боришапти. "А" гуруҳида Эрон, Яман, Баҳрайн, Туркманистон ва Хитой тарма жамоалари ўзаро куч синашмоқда. Корея, Қувайт, Уммон, Непал, Фаластин тарма жамоалари "С" гуруҳини ташкил этади. "Д" гуруҳида эса Япония, Мьянма (Бирма), Бирланган Араб Амирлиги ҳамда Катар тарма жамоалари баҳс олиб боришапти.

Кеча футболчиларимиз Малайзия тарма жамоасини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Тўпларни Рустам Дўрмонов (2та), Игорь Шквирин (2та), Андрей Федоров киритди.

Расул ЖУМАЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



Ешигим-қуешигим.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ фототўғини.

ЛИТВА ФИРМАСИ (Каунас ш.)
(1—5 туп. I—IV нав) пахта
толасини сотиб олади. Сувечининг
хоҳишига қараб мол айирбўшлаш ҳам
мумкин.

Мурожаат учун тел.: (370) ёки
(01-27) 26-52-86

факс: (370) ёки (0127) 26-52-09
тел.: (3712) 32-55-12.

Қомуслар Бош тақрирнинг жамоаси тақрирнинг ҳодими А. Сулаймоновга рафиқан
Дилдора СУЛАЙМОНОВАнинг
бевақт вафот этганини маъноси билан чуқур таъзия наҳор этади.

Ўзбекистон Республикасини Қизил яри ой жаъияти марказий қўмитаси Навоий
вилояти ҚОҲҚ қўмитаси раиси Х. Отақоновга отаси
Отажон САҒАРОВНИНГ
вафот этганини маъноси билан чуқур таъзия наҳор этади.



ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА НОЁБ ТЎҚИМАЧИЛИК МАЖМУАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ



"ЯЗЕКС" КОРПОРАЦИЯСИ МУХТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ ВА РЕСПУБЛИКА ХУКУМАТИНИНГ Қўллаб-қувватлаши туфайли НУКУС ВА ЭЛЛИҚҚАЛЪДА ИККИТА ТЎҚИМАЧИЛИК МАЖМУАСИ ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРГАНИНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АЗИЗ ФУҚАРОЛАРИГА МАЪЛУМ ҚИЛИШ ШАРАФИГА МУЯССАР БЎЛГАНИМИЗДАН ҲОЯТ МАМНУНМИЗ.

1994 йилнинг ОХИРИГА БОРИБ ҚАШҚАДАРЁ, САМАРҚАНД, ХОРАЗМ, АНДИЖОН ВА ФАРФОНА ВИЛОЯТЛАРИДА ХУДДИ ШУНДАЙ ТЎҚИМАЧИЛИК МАЖМУАЛАРИ ИШГА ТУШАДИ.

ЕТТИТА МАЖМУА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ 1995 йилги УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 400 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИГА, УНИНГ ЭКСПОРТ УЛУШИ ЭСА, ҚАРИЙБ 200 МЛН. ДОЛЛАРГА ТЕНГ БЎЛАДИ.

Мажмуаларнинг
қуввати (бир
йилда буюм)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

"КОТЕКС"

6 млн

эркаклар, аёллар,
болалар трикотажи

"ЭЛТЕКС"

9 млн

жинси камзул,
шим, юпка,
костюм

ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ

7,5 млн

ингичка толали
пахтадан кўйлак

Пахта - хомашёсидан
жаҳон андозасидаги тайёр
буюмгача энг қисқа йўл



ИСТАНБУЛ • МИЛАН • ЖЕНЕВА
МОСКВА • ТОШКЕНТ • НУКУС
• ДУШАНБА

АНДИЖОН
ВИЛОЯТИ

3 млн

габардин кийим-бош

ФАРФОНА
ВИЛОЯТИ

12 млн.

эркаклар, аёллар
кўйлаклари

ХОРАЗМ
ВИЛОЯТИ

8 млн

аёллар кўйлаги,
спорт кийимлари,
ич кийим, чойшаб, ва ҳ.к.

САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ

5,5 млн

спорт, аёллар,
болалар трикотажи

ЁШИ 28 ДАН ОШМАГАН, ҚУЙИДАГИ КАСБ ЭГАЛАРИ БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ
ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ТЕНГЛАШАДИГАН МАОШ БИЛАН ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

- муҳандис-механик,
- муҳандис-электрик,
- муҳандис-электрончи,
- компьютерлар бўйича мутахассис
- иқтисодчи,
- бухгалтер,
- ҳайдовчи,
- котиб.

ҲОЗИРГИ ВА БЎЛАЖАК МАЖМУАЛАРДА БИЗ БИЛАН ИШЛАШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР Ё ИНГЛИЗ Ё
ЎЗБЕК ТИЛИНИ БИЛИШЛАРИ ШАРТ. ҲАР ИККИ ТИЛНИ БИЛУВЧИЛАР БЎЛСА ЯНАДА ЯХШИ.

БАРЧА ТАЛАБГОРЛАРДА ХОРИЖГА ЧИҚИШ ХУСУСИДА МУАММО БЎЛМАСЛИГИ ВА ДОИМИЙ
ЮРИШЛАР УЧУН ТАЙЁР ТУРИШЛАРИ КЕРАК. ШАРТНОМА КАМИДА 5 ЙИЛГА ТУЗИЛАДИ.

ПАСПОРТ БИЛАН БИРГА ҲАРБИЙ БИЛЕТ ЁКИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН ОЗОД ЭТИЛГАНЛИК
ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ.

АРИЗАЛАР ШУ ЙИЛ 5-10 ОКТЯБРДА 18.00 ДАН 20.00 ГАЧА БИЗНИНГ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛИМИЗГА
ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:

Тошкент, 700015
Лохутий кўчаси, 16-А
тел.: 56-83-82, 56-62-09
Факс: 56-40-16



Savio

Yarn Feeding Sector

SOMET

Yarn Feeding Sector

Yarn Feeding Sector

Yarn Feeding Sector

Yarn Feeding Sector

Yarn Feeding Sector

Yarn Feeding Sector

Yarn Feeding Sector

Yarn Feeding Sector

Yarn Feeding Sector



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОВ.



• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлаб 33-07-48;
Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.